

Abdurasul ABDULLAEV

independent researcher of Uzbekistan National University, 4 University, Tashkent, 100174, Uzbekistan.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

РЕЛИГИОЗНАЯ КУЛЬТУРА ТОЛЕРАНТНОСТИ – ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

RELIGIOUS TOLERANCE CULTURE IS THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT FACTOR

Калит сўзлар: жамият, дин, бағрикенглик, бағрикенглик маданияти, диний-маърифий ҳаёт, миллий анъаналар, қадриятлар, умумбаширий тамойиллар, ижтимоий онг, диний плюрализм, ўзаро ҳурмат, динлараро мулоқот, диний конфессиялар, диний жамоалар.

Ключевые слова: общество, религия, толерантность, культура толерантности, религиозная и образовательная жизнь, национальные традиции, ценности, универсальные принципы, общественное сознание, религиозный плюрализм, взаимное уважение, межконфессиональный диалог, религиозные конфессии, религиозные общины.

Key words: society, religion, tolerance, culture of tolerance, religious and educational life, national traditions, values, universal principles, social consciousness, religious pluralism, mutual respect, interfaith dialogue, religious confessions, religious communities.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт мантиғига кўра, кишилар инсоният оламининг бутунлигига интиладилар ва дезинтеграция жараёнларига зўравонлик орқали амалга оширилмайдиган усуллар билан қарши туриш зарурлигини англайдилар. Бундай англаш натижалари тўғрисида фаолиятнинг аниқ турлари, айниқса, ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг ўзига хос институтлари гувоҳлик беради. Бу фаолиятда айнан бағрикенглик, сабр-тоқат каби тамойилларга таяниш кутилган самарани беради. Бағрикенглик муаммоси ҳар қандай бошқа муаммо каби, кишилар тўплаган муайян тажрибада ва фақат ҳақиқий манфаатдорлик таъсири остидагина етилади. У авваламбор, ўзи вужудга келган тажрибада шарт-шароит ва тамойил хусусиятини эгаллаш орқали ҳал қилиниши мумкин. Бағрикенглик фақат объектив ва тарихий ижтимоий тараққиёт ҳамда замонавий инсоният олами хусусиятларига боғлиқ равишда кишиларни ҳамжихатлик ва

ижтимоий ҳамкорликка чорлайдиган шарт-шароит ҳамда тамойил сифатида юзага чиқади.

Бағрикенглик тўғрисидаги соф илмий-фалсафий қарашлар асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илгари сурилган. Жумладан, толерантлик (бағрикенглик) тушунчасини инглиз иммунологи П. Медавэр 1953 йилда илмий муомалага киритган. Дастлаб, мазкур тушунча токсикология, фармакология фанларида қўлланилган бўлса, кейинчалик фалсафа, сиёсатшунослик ва бошқа соҳаларда ишлатилган. Бағрикенглик бунёдкор ғоя сифатида инсон онгига сингибгина қолмай, балки йиллар давомида шаклланиб ҳам бормоқда.

Бағрикенглик ўз моҳиятига кўра ижтимоий муносабатлар ҳосиласи сифатида жамиятнинг ижтимоий-тарихий ҳолатига мувофиқ ҳодисадир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка доир 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қабул қилинган. Жумладан, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинди. Декларацияда ирки, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган. 1995 йил «Халқаро бағрикенглик» йили деб эълон қилинди. 1995 йилда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг «Динлараро ва маданиятлараро мулоқот» дастури қабул қилинди. У диний урф-одатлар ва ўзига хос маданий қадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қилади. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997), Тошкент (2000) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамятида ўз ўрнига эга бўлаётган ҳолатда халқимизнинг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, айтиш вақтда бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд бўлиб келган динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси, тадрижий тараққиётини ўрганиш, турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюциясини қабул қилиш заруратини асослаб, жумладан шундай деди: «Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишга йўл қўймасликка кўмаклашишига қаратилган»[1;1 б.].

Мақолада бағрикенгликнинг объектив ва тарихий ижтимоий тараққиёт ҳамда замонавий инсоният оламидаги аҳамияти, жамиятнинг ижтимоий-тарихий ҳолатига мувофиқлиги, бу борада қабул қилинган халқаро доирадаги ҳужжатлар, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуслари таҳлил қилинган. Шунингдек, унда мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида бағрикенглик, хусусан диний бағрикенгликнинг муҳим омил экани, уни қарор топтиришда миллий анъаналар, қадриятлар, уларни умумбашарий тамойиллар билан уйғунлаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Айниқса, бу борада бағрикенгликнинг моҳиятини тарихимизнинг амалий синовларидан ўтган ҳам-жиҳатлик, чидамлилик, ғамхўрлик, мурасасозлик каби фазилатлар мисолида кўрсатиб ўтилган. Бағрикенгликка раҳна солувчи таҳдидларнинг хилма-хил экани, уларнинг миллат ва минтақа танламаслиги, миллий чегараларни писанд қилмаслиги, умумбашарий хусусиятга эга экани, тоқатсизлик ва низоларни кучайтиришга олиб келишига доир мулоҳазалар ҳам илгари сурилган. Жамиятимизда диний бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг ижобий механизмлари, айниқса, турли диний гуруҳларнинг асл инсонпарвар мақсадлари, эзгу қадриятлар тизими ва ўзаро ҳурматни таъминлаш, диний бағрикенглик идеалларини қарор топтириш, диний конфессиялараро соғлом мулоқотга эришиш, турли диний гуруҳлар, жамоат онги ва маданиятини шакллантирадиган мактаб, оммавий ахборот воситалари тузилмаларнинг роли ўрганилган. Ўзбекистоннинг диний ҳаёти муҳим тамойиллари, жамиятнинг ривожланиш кўрсаткичи сифатида турли дин вакилларининг бир-бирига яқинлашуви, тушунишини, ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайдиган диний бағрикенглик маданиятининг тараққиётимиздаги аҳамиятига доир айрим назарий хулоса ва тавсиялар ҳам берилган.

В статье анализируются объективное и историческое социальное развитие толерантности и его значение в современном человеческом мире, его соответствие социально-историческому статусу общества, международные документы в этой области, а также инициативы Президента Ш.Мирзиёева по принятию специальной резолюции «Просвещение и религиозная толерантность». В нем также подчеркивается, что терпимость, особенно религиозная терпимость, является важным фактором в развитии гражданского общества в нашей стране, при этом особое внимание уделяется национальным традициям и ценностям при принятии решений и их интеграции с универсальными принципами. В частности, суть терпимости в этом отношении иллюстрируется такими качествами, как солидарность, выносливость, забота, компромисс, которые были проверены в нашей истории.

Также предполагается, что угрозы, порождаемые нетерпимостью, разнообразны, что они не выбирают нацию или регион, игнорируют национальные границы, имеют универсальный характер и ведут к нетерпимости и конфликтам. Также были изучены позитивные механизмы формирования культуры религиозной терпимости в нашем обществе, особенно различных религиозных групп, с их гуманистическими целями, системой благородных ценностей и взаимного уважения, установлением идеалов религиозной терпимости, здорового диалога между религиозными конфессиями и роль структур в инструментах. Есть также некоторые теоретические выводы и рекомендации относительно важных принципов религиозной жизни в Узбекистане, важности культуры религиозной терпимости, которая укрепляет понимание, понимание и сотрудничество представителей различных религий в качестве индикаторов развития сообщества.

The article analyzes the objective and historical social development of tolerance and its importance in the modern human world, its compliance with the socio-historical status of society, international documents in this regard, and the initiatives of President Sh.Mirziyayev on the adoption of a special resolution «Enlightenment and religious tolerance».

It also emphasizes that tolerance, particularly religious tolerance, is an important factor in the development of civil society in our country, with a strong emphasis on national traditions and values in their decision-making, and their integration with universal principles. In particular, the essence of tolerance in this regard is exemplified by the qualities such as solidarity, endurance, care, compromise that have been tested in our history. It is also suggested that the threats posed by intolerance are diverse, that they do not choose a nation or region, ignore national borders, have a universal character, and lead to intolerance and conflict. It was also studied positive mechanisms for forming a culture of religious tolerance in our society, especially of different religious groups, with their humanistic goals, a system of noble values and mutual respect, the establishment of ideals of religious tolerance, a healthy dialogue between religious confessions, and the role of structures in tools. There are also some theoretical conclusions and recommendations on the important principles of religious life in Uzbekistan, the importance of a culture of religious tolerance that strengthens the understanding, understanding and co-operation of representatives of different religions as indicators of community development.

Ушбу резолюция 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида қабул қилиниши дунё миқёсида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга, халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади [2; 103 б.].

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг тинчлик-осойишталикни сақлаш, диний

бағрикенгликни таъминлашдаги аҳамиятини қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

Биринчидан, резолюция Ўзбекистон Президентининг диний-маърифий соҳага оид ташаббуслари нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро ил-

мий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси – буларнинг барчаси халқаро даражадаги йирик лойиҳалардир. Ушбу ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, илм-маърифат, маданият замини бўлган Ўзбекистондан маърифий ислом ғоялари тарқалиши, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимотларини ёйиш бўйича Мовароуннаҳрда шаклланган тарихий мактаблар анъанасининг давом этиши «жаҳолатга қарши маърифат» билан курашишнинг энг самарали ечими бўлади.

Иккинчидан, «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси дунё жамоатчилигини безовта қилаётган терроризм, экстремизм, зўравонлик, мурасизлик каби бугунги куннинг ўткир муаммоларига ечим сифатида илм-маърифат, ўзгаларга адолатли ва бағрикенг ёндашув ҳамда тинчликпарвар сиёсатни тарғиб қилади. Жаҳоннинг етакчи эксперт ва илмий доира вакиллари таъкидлаганидек, хавфсизликка таҳдидларни куч ишлатиш йўли билангина ҳал этиш усули бугунги кунда кутилган натижани бермаяпти. Дунё бўйлаб экстремистик ташкилотларнинг 38 йиллик фаолияти таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, радикал гуруҳлар фаолиятининг 7 фоизи қуролли аралашув натижасида тўхтатилган бўлса, уларнинг 40 фоизи тинч йўл билан – сиёсий музокаралар ўтказиш воситасида барҳам топган. Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклиф ва ташаббуслари ҳам мазкур ғояни ўзида ифода этади.

Учинчидан, ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат. АҚШнинг Иқтисодиёт ва тинчлик институти хулосаларига кўра, зўравон терроризмнинг олдини олиш, тинчликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бу – таълимга йўналтирилган инвестиция ҳисобланади. Айниқса, мусулмон дунёсида фан-таълим тизимида катта эътибор қаратиш, соҳага замонавий, илғор тажрибаларни жорий этиш, ёшларни бугунги ҳаёт талабларига мос тарзда ўқитиш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тўртинчидан, ушбу резолюция жамиятда барқарор маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида дини ва эътиқодий қарашлари турлича бўлган инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш кадриятларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликни илгари суради. Диний бағрикенглик Ўзбекистоннинг кўп йиллик тарихий тажрибаси-

да турли эътиқод вакилларининг тинч-тотув ҳаёти давлат ва жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлишини исботлаган. Кўп миллатли халқимизнинг юрт тинчлиги, ватан тараққиёти йўлидаги умумий саъй-ҳаракатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кенг қўлланлиги ва жадаллигини таъминламоқда [3].

Республикаимизда фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларида бағрикенглик, хусусан диний бағрикенглик муҳим омил сифатида намоён бўлади. Зеро, миллий анъаналар ва кадриятларга жиддий эътибор қаратиш уларни умумбашарий тамойиллар билан уйғунлаштириш натижасида барча соҳадаги ислохотларнинг миллий манфаатлар билан мос келиши таъминланади. Кишилиқ жамияти янги минг йилликка қадам қўйган бир даврда мураккаб ҳаракатлар касб этган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар, миллатлараро низолар, экстремизм ва терроризм каби муаммоларнинг ечимини топишда диний бағрикенглик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожига янги босқич бошланди. ... Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилidir»[4. 295-296].

Бағрикенглик ҳикмат илми сифатида ҳам, тарихнинг амалий синовларидан ўтганлиги нуқтаи назардан ҳам анча теран ва баркамол ҳислатга эга, шунингдек, у нафақат бизнинг миллатимизга, балки бутун инсониятга ҳамжиҳатлик, чидамлик, ғамхўрлик, мурасасозлик каби фазилатларни тақдим этади. Айнан бу ҳислат уни тўғри мезонда аниқлаб берадиган тушунча ҳамдир. Шундай қилиб, бағрикенглик инсон ҳаёти маъносини белгилайди, унинг эътиқоди қандай йўналишда юксалишини кўрсатиб туради.

Диний бағрикенглик «бағрикенглик» тушунчасидан ажралмас бўлганлиги сабабли халқаро ҳужжатларда у қуйидагича изоҳланади: «Ҳозирги дунёда бағрикенглик ўта муҳим аҳамият касб этади. Биз иқтисоднинг глобаллашуви ва янада тезлашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция

ва аҳолининг кўчиб юриши, шаҳарлашув ҳамда ижтимоий тузилмаларнинг янгидан ўзгариши асрида яшамокдамиз. Ҳар бир минтақа хилма-хилдир ва шунинг учун тоқатсизликни ва низоларни кучайтириш дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Бундай таҳдиддан миллий чегаралар ортига беркиниб бўлмайди, чунки у умумбашарий хусусиятга эгадир» [5; 92 б.].

Аждодларимизнинг жамиятда бағрикенгликни қарор топтириш ва ривожлантиришга қаратилган ғояларини республикамиз фуқароларининг тафаккурига ҳар томонлама сингдириш кўп миллатли мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилган ҳолда, халқимиз онгини фундаментализм ва экстремизм ғоялари билан заҳарлашга ҳаракат қилаётган турли бузғунчи террористик гуруҳларга қарши курашда ҳам улкан ғоявий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Жумладан, Форобийнинг фикрича, «Ҳар қандай иркий қон-қариндошлик, ирсий, ягона раҳбарлик, шартнома, урф-одат ва тилдаги маданий умумийлик, ягона ҳудудда яшаш, бошқа қабилалар устидан ғалабага эришиш ва бошқа омиллар ягона миллат номи билан бирлашишга сабаб бўлиши мумкин, бироқ буларнинг ҳаммаси жоҳилиятдан нишонандир. Фозил шаҳарнинг бошқа шаҳарлардан моҳиятан фарқи унда илоҳий маърифат ва имоний эътиқод занжирлари ва бу илмдан кейин турувчи инсоний ахлоқ ва фазилатларга амал қилинишидадир» [6; 33-34 б.].

Бу фикрлар турли ирққа, миллатга ва динга мансублик асосида келиб чиқувчи адоват, уруш, низолар ҳеч қандай тарихий, ижтимоий, маданий-маънавий илдизга эга эмаслигини исботлаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган назарий асос ҳамдир. Ҳар қандай жамиятнинг ҳақиқий фазилати ва бошқалардан ажралиб турувчи сифати ўша жамият, миллатнинг иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрати нуфузида эмас, балки ушбу жамият фуқароларининг илм-маърифат, инсоний ахлоқ ва фазилатларга эришганлигидадир. Форобий фозил шаҳар-давлатни соғлом инсон танасига ўхшатади. Бу тананинг ҳамма аъзолари тананинг соғлигини ва камолотини таъминлаш учун бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлганликлари ва бир-бирларига ёрдам берганликлари каби фозил шаҳар-давлатнинг фуқарolari ҳам бир-бирларига боғлиқдирлар. Уларнинг ҳар бири маълум мавқега эга ва маълум вазифаларни амалга оширадилар [7; 29 б.].

Бу каби мутафаккирларимиз фикрларининг ҳозирги давримиз учун ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари устувор бўлган жамиятда ҳар томонлама мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорлик ву-

жудга келади. Бундай шароитнинг вужудга келиши эса, жамиятда иқтисодий ва маънавий равангликни белгилловчи омиллардан бирига айланади. Ушбу масалаларнинг ҳозирги давримиз учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан назарий асосланганлиги жиддий эътиборга лойиқ: «... Кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллат вакиллариининг сиёсий ҳайрихоҳлигига бевосита боғлиқ бўлади» [8; 144 б.].

Ўз даврида Жон Локк «Дин давлат ишига аралашмаслиги лозим» [9; 40 б.] деган эди. Чунки ҳар қандай дин, аввало, маънавий-ахлоқий ҳодиса бўлиб, у халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини тўлалигича ўзида мажассамлаштиришга даъво қилмайди. Акс ҳолда, дин ўз мақсад ва вазифаларидан четлашиб кетади. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир [10; 6-9 б.].

Диний бағрикенгликни таъминлаш механизмлари унинг мазмунини идрок этишнинг иккита ёндашувига (салбий ва ижобий) қараб, иккита гуруҳга бўлиниши мумкин:

– диний ва конфессиявий ғояларга ва ўзга халқларнинг қадриятлари тизимига бефарқликни кўрсатувчи салбий механизмлар;

– диний, конфессиявий ғояларни ва ўзга халқларнинг қадриятлари тизимини билиш, қабул қилиш ва ҳурмат қилишни ўз ичига олган ижобий механизмлар.

Ижобий механизмлар турли диний гуруҳларнинг асл инсонпарвар мақсадларини чуқур билиш, қадриятлар тизимини англаш ва ўзаро ҳурмат орқали жамиятда диний бағрикенгликни жорий этиш ва таъминлашга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, турли диний гуруҳлар, жамоат онги ва маданиятининг шакллантирадиган тузилмалар (мактаб, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) ўртасидаги ўзаро ўхшашлик мавжудлигини таъкидлаш айниқса муҳимдир, бу нафақат диний бағрикенглик, балки ижтимоий бирдамлик ва бирлашиш учун асос бўлади.

Диний бағрикенглик ғоясини амалга оширишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим:

1) эътиқод ва виждон эркинлигини ҳар томонлама таъминлаш;

2) барча динлар томонидан илгари сурилаётган ғояларнинг мантиқий жиҳатдан мазмун-моҳиятини теран англаб олиш асосида иш юритиш;

3) турли дин ва конфессияларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этиш;

4) ҳар хил дин ва конфессияларнинг бир-бирларига ўзаро ҳурмат билан боқишларини йўлга қўйиш;

5) диний-маънавий қадриятларни эъзозлаш амалиётини жорий этиш;

6) барча дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашлари учун шарт-шароитларни яратиш;

7) диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик;

8) барча диндорларнинг сиёсий жараёнларда тенг, фуқаро сифатида иштирок этишини таъминлаш;

9) диний партияларга ва бу орқали диндан бузғунчилик мақсадида фойдаланишга йўл бермаслик;

10) диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

11) қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл бермаслик каби қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади [11; 234 б.].

Диний бағрикенглик муаммоси бағрикенглик каби ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб, унинг замирида жамият аъзоларининг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар туради. Диний бағрикенглик бу сабр-тоқатлилиқ, чидамлилиқ, бардошлилик ҳамда инсон, жамият, дунё ҳақидаги қарашларнинг ўзаро мувоҳаса усулидир. Жаҳондаги халқлар турли динларга, ҳаттоки бир миллат вакиллари ҳар хил динларга эътиқод қилиши ҳам мумкин. Диний манбалардаги эзгу фикрлар асосида турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида бағрикенглик тамойили ҳукм суради. Чунки диний таълимотлардаги ягона Аллоҳга сиғиниш, кишилар ўртасидаги тотувлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилиқ, виждонийлик, ҳалоллик, покизалиқ, инсоф-диёнатлилиқ каби талаблар шахс, гуруҳ ва жамият аъзолари ҳаётида муҳим рол ўйнайди. 3. Ҳусниддинов фикрига кўра, «Диний бағрикенглик эса виждон эркинлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиб, бошқа шахснинг диний эътиқоди ўзга динга, унинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда

бўлишни, турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Диний толерантлик тўла ижтимоий тенг ҳуқуқлилиқ, инсон эркинлигига нисбатан зўрликни қораловчи қарашлар ва муносабатларда яққол намоён бўлади» [12; 8-9 б.].

Бизнинг назаримизда, бағрикенглик дунё ҳодисаларига муносабатларда, ўтмиш ва маънавий қадриятларни баҳолашдаги мезонларда, ҳаттоки турли динлараро муҳим масалаларнинг ечимини топишда ўз ифодасини топади. Шунингдек, бағрикенглик, шу жумладан диний бағрикенглик ўз қарашлари ва қадриятларидан воз кечишни, у ёки бу ўзига хосликларга ён бериш ёки уларга бефарқликни эмас, балки воқеликка нисбатан фаол муносабатни, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олишни ҳамда унинг тантанаси учун кўмаклашишдек амалий фаолиятни ҳам англатади [13; 10 б.].

Юртимизда мавжуд диний-маърифий соҳа учта тамойил билан ажралиб туради: 1. Диний плюрализм – ҳар бир киши ўзининг диний эътиқодига эга эканлиги. 2. Диний бағрикенглик – ҳар хил эътиқодда бўлган фуқароларнинг ўзаро ҳурмати ва тинчликсеварлиги. 3. Динлараро мулоқот – мамлакатда мавжуд бўлган конфессиялар орасидаги самарали муносабатлар [14; 22 б.]. Мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг таъминланиши натижасида диёримизда ҳеч қайси дин вакилларининг диний туйғулари камситилмайди; диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмайди; дин фуқароларнинг шу жумладан, ёшларнинг ҳам маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади. Диний бағрикенгликда шахснинг эътиқоди алоҳида ўрин эгаллайди. Эътиқод ва бағрикенгликнинг ўзаро алоқадорлиги шахснинг ўз қарашларига ва дунёқарашига мувофиқ тарзда амалий фаолият кўрсатишига кўмаклашади. Зеро, имон-эътиқод ва диний бағрикенглик дин фалсафаси, шахс ва жамият муносабатлари ҳамда тараққиёт босқичларида, айниқса, фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Динга бўлган ижтимоий муносабатнинг тадрижий ўзгариши натижасида шаклланувчи маданий эҳтиёж ҳам муҳим тадқиқот манбаи ҳисобланади.

Ҳаётда диний бағрикенглик маданиятининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катталиги асрлар давомида исботланган. Диний бағрикенглик маданияти мамлакатимизни демократлаштириш, модернизация ва ислохотларни амалга оширишда ҳамда турли дин вакиллари ўртасидаги ўзаро тотувлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарор бўлишида муҳим

ўрин тутади. Диний бағрикенглик маданиятини кенг маънода турли дин вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминловчи кучли, кудратли маънавий омил дейиш мумкин. Диний бағрикенглик маданияти ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг мустаҳкам пойдеворларидан бири бўлиб, маънавий тарақиётимизнинг муҳим кафолатидир. Шу боисдан ҳам Президент Шавкат Мирзиёев: «Биз минтақамиз (нинг энг янги давр) тарихининг мураккаб даврида бошқалардан фарқли равишда тинчлик ва барқарорликни сақлашга эришдик. Тор ҳудудий можароларнинг давлатлараро қарама-қаршилигига айланиб кетишига йўл қўймадик» [15; 1-2 б.], деб таъкидлаган эди.

Диний бағрикенглик маданияти маънавий ҳаётнинг, умуминсоний маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, жамиятнинг ривожланиш кўрсаткичи сифатида турли дин вакиллари билан бир-бирига яқинлашуви, тушунишини, ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш диний бағрикенглик туйғусини рационал англаш, юксак даражадаги инсонпарвар диний ақидаларни инсонлар онги ва қалбига сингдириш билан узвий олиб борилсагина яхши натижа беради. Диний бағрикенглик маданияти юз йиллар давомида сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнлар билан бирга ёнма-ён шаклланиб, ривожланиб борган ва шу тариқа ижтимоий тарақиётнинг муҳим омилларидан бирига айланган. Диний бағрикенглик маданиятининг инсон учун аҳамияти шундаки, унга эга бўлган шахснинг маънавий-руҳий, ахлоқий ва ақлий сифатлари жамиятнинг юксак талабларига мос келади. Инсон онги, фаолиятида умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги ҳамда умуминсоний маданият устуворлигини акс эттирувчи диний бағрикенглик маданияти узоқ давом этадиган таълим тарбия жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Ўзбек халқи азалдан бағрикенг, умуминсоний қадриятларга таянадиган миллат сифатида танилган. Шу боисдан ҳам республикада ислом динида ибодат қилувчи мусулмонлар қаторида турли динларга (насонийлик, буддизм, яҳудийлик, кришна) эътиқод қилувчилар эмин-эркин яшаб келмоқдалар. Уларнинг ўзгалар ҳаётига ҳавф туғдирмайдиган, ҳалақит бермайдиган ўз диний урф-одатлари, маросимларини ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунинг учун ҳеч қандай таъқиб ва тазйикқа учрамайдилар. Қонун фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлигини кафолатлайди. Ислоннинг сиёсат соҳасидаги қонунлари ва тамойиллари тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари асосида қурилган. Бу ҳақиқат мусул-

мон бўлмаган кўплаб тарихчилар ва илоҳиётчилар томонидан ҳам тан олинган.

Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги замонда динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутаяди ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Диний бағрикенглик – жаҳон халқларини эътиқод ва эзгулик асосида бирлаштиришнинг муҳим кафолатидир.

Диний бағрикенглик идеалларини қарор топтириш барчанинг бурчидир. Чунки сабр-тоқатлилик, бағрикенглик, осойишталик, барқарорлик ижтимоий-иқтисодий таррақиётнинг зарурий шартларидир. Шунинг учун турли дин вакиллари бағрикенглик руҳида тарбиялаш масалаларига эътиборни кучайтириш зарур. Диний бағрикенглик маданиятининг асосий мақсади барча дин вакиллари ўзаро келишиб, ҳамжиҳат, бир-бирига зарар келтирмайдиган турмуш тарзини англатишдан иборат. Жамиятимизда бағрикенглик маданиятининг узвий қисми бўлмиш диний бағрикенгликни мустаҳкам қарор топтириш глобаллашаётган, маданий қадриятлар синтезлашуви рўй бераётган XXI аср воқелигида «ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурматнинг асоси бўлиб хизмат қилади» [16; 166 б.].

Диний бағрикенглик маданияти ижтимоий-гуманитар фанлар мавзуларига чуқур сингдирилмоғи лозим. Бу педагогик тайёргарлик даражасини кўтариш, ўқув режалари, дарсликларининг ва дарсларнинг мазмун-моҳияти, бошқа ўқув материаллари, жумладан, янги ўқув технологиялари масалаларига эътибор бериш зарурлигини англатади. Тарихдан маълумки, ислом дини кишиларни эзгулик, бир-бирлари билан яхши муомалада бўлиш, тинчликка чақирувчи диндир. Демак, исломнинг ўзи бағрикенглик динидир. Дарҳақиқат, бошқа динлар каби ислом дини ҳам тинчликка, ўзаро тотувликка чақирувчи диндир.

Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий ўзининг «Фатовои Қозихон» асарининг «Китабус-сияр» (Халқаро ҳуқуқ) қисмида мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасидаги муносабатларга доир кўплаб фатволар бериб, шундай ёзади: «Агар уларнинг черковлари ёки синагогалари (уруш даврида) ёниб кетадиган бўлса, уни аввал қандай бўлган бўлса, худди шу шаклда қилиб қайта қуриб бериш зарур» [17; 408 б.]. Бунинг бошқача ифодалашда, ҳар бир диндаги диний қарашлар

ортида бағрикенглик ётади [18; 137 б.]. Давлатимизнинг шу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати халқаро миқёсда ҳам амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик ғоясини илгари суришдек хайрли ишда нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги амалда ўзифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, ёш авлодни тарбиялашда диний бағрикенглик муҳим рол ўйнайди. Шу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, бундай инсонлар бошқа дин вакилларига нисбатан ҳам юксак ҳурматда бўлади. Яъни инсонни кадрлайдиган юксак маънавиятли шахс бўлиб етишади.

Қадим-қадимдан маънавияти, маданияти юксак бўлган эл қудратли бўлган. Шундай экан, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш биз ёшлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Фикримизча, ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш бугунги куннинг ўта долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг жорий этилишини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган таркибий ва функционал ўзгаришлар тақозо этмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосий сифат хусусиятлари жамият базасини тубдан қайта қуриш, энг аввало, мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва истеъмол, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш шакллариининг ўзгариши, иқтисодий районлаштириш эҳтиёжлари ва бозор, бозор муносабатлари томон жуда муҳим иқтисодий ўзгаришларга боғлиқ. Бундай шароитда ёшлар ижтимоий-иқтисодий ўзаро алоқалар ҳамда ўзаро муносабатларни ўзгартиришнинг энг фаол бўғини бўлиб қолади. Ёшлар диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш узоқ давом этадиган диалектик жараён бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа ўзгаришларга бутунлай боғлиқ.

Ҳозирги замонда диний бағрикенглик маданияти дунёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши курашни, бутун жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорлигини назарда тутати. Шу тамойилга асосланган Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки глобал терроризм сабабли бутун инсониятнинг маънавий-руҳий инқирозга юз тутиши мумкинлигини жамиятшунос олимларнинг ўзлари ҳам алоҳида қайд этмоқдалар.

Э.М.Иззетова таъкидлашича, «АҚШ Тинчлик ва иқтисодиёт институти бир неча йилдан буён турли глобал терроризм ҳамда глобал тинчлик индексларини эълон қилиб келмоқда. Одатга кўра, 2017 йилда ҳам рейтинглар эълон қилиниб, жаҳон оммасига тақдим этилди. Унда келтирилган маълумотларга кўра, 2017 йилда терроризм туфайли ҳалок бўлганлар сони ўтган йилдагиларга нисбатан камайгани қайд этилган. 2017 йилнинг май ойида эълон қилинган глобал терроризм индексида ҳам одатдагидек дунёнинг 99,7 % аҳолисини ташкил этадиган 163 та мамлакат қатнашиб, индекс 10 баллик кўрсаткич бўйича аниқланди. Рўйхатнинг аввалги 5 та қаторидан Ироқ, Афғонистон, Нигерия, Сурия ва Покистон давлатлари ўрин олган. (Айтиш жоизки, 2015, 2016 йиллардаги рўйхатнинг «кучли» бешлигидан ҳам худди шу давлатлар ўрин олган эди.) Ён кўшниларимиз Қозоғистон 2,95 кўрсаткич билан 67, Тожикистон 2,427 кўрсаткич билан 72, Қирғизистон 1,989 кўрсаткич билан 79- ўринда турибди. Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич 0,077 га тенг бўлиб, давлатимиз 125- ўридан жой олган» [19; 29 б.].

Глобаллашув шароитида диний бағрикенглик тамойиллари сифатида қуйидаги фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади: энг аввало, исломда инсон ҳуқуқлари тенглиги ва дахлсизлигини тушуниб етиш; тарих гувоҳ бўлиб келаётган ҳар қандай ривожланиш замонида диний бағрикенгликни энг устувор мақсад қилиб белгилаш; бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили эканини юртимиз келажаги бўлган ёшлар онгига сингдириш; кўп йиллардан буён дўст ва ҳамжиҳат яшаб келаётган миллатларнинг барқарор келажагини таъминлаш [20; 72 б.].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда диний бағрикенгликни, шу асосда ижтимоий ҳамкорлик ва барқарор тараққиётни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, миллатлараро муносабатлар баъзан диний конфессиялараро муносабат характериға боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда конфессиялараро ҳамкорлик марказини ташкил этиш турли диний эътиқод вакилларида ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат маданиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлиши мумкин;

Иккинчидан, миллатлараро тотувлик минтақамиздаги сиёсий, этник жараёнлар билан, кўшни республикалардаги миллатлараро муносабатлар характери билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳолат миллий ва фуқаровий бирлик концепцияларини минтақавий бирлик концепцияси билан мувофиқлашти-

ришни, минтақада миллий ва диний муносабатларни соғломлаштиришга доир махсус давлатлараро дастур ишлаб чиқишни тақозо этади;

Учинчидан, глобаллашув жараёнининг миллий ва диний бағрикенглик ривожига кўрсатиши муқаррар бўлган ижобий ва салбий таъсирини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва шунга мувофиқ равишда тегишли чора-тадбирлар тизимини жорий этиб бориш зарур;

Тўртинчидан, глобаллашув жараёни, ахборот-инновацион тараққиёт бағрикенглик ривожланишининг зиддиятли, салбий жиҳатларини намоён қилмоқда. Шунга кўра, таълим-тарбия тизимида миллий ғоямизнинг тамойиллари ўқувчи ва талаба ёшларни миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг мезони бўлишини, шунингдек, ёшларда бузғунчи, миллийлигимизга ёт ғояларга нисбатан мухолифлик, тоқатсизлик, яъни нобағрикенглик муносабатида бўлиш қобилиятларини шакллантириш маънавий таҳдидлар хуружига қарши туришнинг асосий йўли эканлигини қарор топтириш лозим.

Умуман олганда, ватанимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик сабабли бу заминда турли-туман дин вакиллари эркин яшаб келмоқдалар. Диний жамоалар, арбоблар жамият ҳаётида тобора фаол иштирок этиб, маънавиятимиз, қадриятларимиз тикланишида, ўзлигимизни англашимизда, энг муҳими мустақиллигимизнинг мустаҳкам бўлишида фидойилик кўрсатмоқдалар.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasidagi nutqi. «Xalq so'zi», 2017-yil, 19-sentyabr.
2. 2017 yil-shiddatli islohotlar yili. –T.: 2018. – 103 b.
3. <http://uza.uz/oz/society/marifat-va-diniy-bag'rikenglik-rezolyutsiyasi-uzbekiston-tasha-19-12-2018>
4. Mirziyoyev Sh. M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: «O'zbekiston», 2017. – B. 295-296.
5. Bag'rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasi. // YUNESKO xalqaro me'yoriy hujjatlari. Toshkent: Adolat, 2004. –92-b.
6. Abu Nasr Forobiy. «Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida». -T., «Yozuvchi», 2001, 33–34-betlar.
7. Abu Nasr Forobiy. «Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida». -T., «Yozuvchi», 2001, 29 betlar.
8. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. –T., 1998, 144-betlar.
9. Dj. Lokk. O vospitanii detey. Anatoliya, 2006. – 40 s.
10. H. Yo'ldoshxujayev, D. Raximjonov, M. Komilov. Dinshunoslik ma'ruzalar matni. T.: 2000-y.b-9
11. Yaxshilikov J.YA. Milliy g'oya va mafkura. – Samarqand, 2015-yil. 234-bet.
12. Husniddinov Z. O'zbekistonda diniy bag'rikenglik (monografiya). -T.: Toshkent islom universiteti, 2006. – B. 8–9.
13. Bag'rikenglik – barqarorlik va taraqqiyot omili (ma'sul muharrir A.Ochildiyev) –Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi. 2007. –10-b.
14. Diniy bag'rikenglik tamoyillari yoshlar talqinida / Tashkiliy hay'at: O. Yusupov [va boshq.]; mas'ul muharrir I. Ahrorov. – Toshkent: Movarounnahr, 2015. – 22 b.
15. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 1-sentyabr kuni Toshkentdagi Xasti Imom masjidi hovlisidagi Baroqxon madrasasida imom xatiblar bilan uchrashuvidagi ma'ruzasidan. «Xalq so'zi» gazetasi. 2017-yil 2-sentyabr.
16. BMT Bosh kotibining «Xalqaro bag'rikenglik kuni» munosabati bilan yo'llagan bayonotnomasi (2008-yil 16-noyabr) .-T.: // Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari, №4 (44). 2008. 166-bet.
17. Islom huqushunosligi. O'quv qo'llanma»/Mualliflar: J.Toshqulov, N. Yusupova, I. Bekmirzaev, A.Sarsenbaev, S. Masaidov/ Mas'ul muharrir: J.Toshqulov. – T.: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi, 2014. – 408-b.
18. Milliy g'oya: targ'ibot texnologiyalari va atamalar lug'ati. –Toshkent, O'qituvchi, 2007. – 352 b.
19. «XXI asr: fan va ta'lim masalalari» ilmiy elektron jurnali. №4, 2018 yil. www.sharqjurnali.uz
20. Diniy bag'rikenglik tamoyillari yoshlar talqinida / Tashkiliy hay'at: O. YUsupov [va boshq.]; mas'ul muharrir I.Ahrorov. – Toshkent: Movarounnahr, 2015. – 72 b.

